

10-10-2019

CHARACTER CREATION SKILLS OF SHUKUR KHOLMIRZAYEV

Mukhayyoxon Obidovna Khamidova

Candidate of philological sciences, docent of Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Khamidova, Mukhayyoxon Obidovna (2019) "CHARACTER CREATION SKILLS OF SHUKUR KHOLMIRZAYEV," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 10 , Article 50.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/50>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

CHARACTER CREATION SKILLS OF SHUKUR KHOLMIRZAYEV

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна,
филология фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Аннотация: Ўзбек ҳикоячилиги равнақида Шукур Холмирзаевнинг ўрни каттадир. Сабаби, адиб ўз ижодида миллий қаҳрамонларни кенг, эпик кўламда, бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан акс эттириб бера олган ижодкордир. У ўзининг барча асарларида инсон маънавияти билан алоқадор ижтимоий ва ахлоқий масалаларни бутунликда ифодалайди. Уни миллий қадриятлар ва она табиат билан боғлиқликда очиб беради. Энг муҳими, инсон табиатидаги эзгуликка зид хусусиятларнинг юзага келишининг туб замири тузумнинг ўзи, у жорий қилган муҳит, деган фикрни асарлари орқали илгари сурди.

Ушбу мақолада Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбеклар характери” ҳикояси мисолида фикр юритилган.

Калит сўзлар: миллий қаҳрамонлар, бадиийлик, ёзувчи маҳорати, сўз санъатининг ўрни, романтик бўёқдорлик, тарихий ҳақиқат, бадиий-тасвирий восита, ёзувчининг характер яратиш маҳорати.

МАСТЕРСТВО ШУКУРА ХОЛМИРЗАЕВА В СОЗДАНИИ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ОБРАЗОВ

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна,
НамГУ

Аннотация: В данной статье говорится об огромной роли Ш.Холмирзаева в развитии узбекской прозы. Он, как мастер эпического жанра, сумел раскрыть образы национальных героев широко и весьма убедительно. Образы своих героев он изображает как в единстве общества и морали, так и в единстве национальных ценностей и живой природы.

Самое главное в его произведениях - философские размышления о том, что природа человека должна соответствовать самой живой природе.

Особое внимание уделяется именно этим размышлениям автора в конкретном произведении

Ключевые слова: Национальным герой, художественность, мастерство писателя, значение искусства творчества, романтика творчества, историческая правда, художественное изобразительное средство, мастерство писателя в создании образов.

CHARACTER CREATION SKILLS OF SHUKUR KHOLMIRZAYEV

Khamidova Mukhayyoxon Obidovna
Candidate of philological sciences, docent
of Namangan State University

Abstract: Shukur Kholmirezayev plays a great role in the development of Uzbek storytelling. The reason is that the writer was able to portray national heroes in a wide, epic scale with great

artistic skill. In all his works, he represents the social and moral issues associated with human spirituality. He reveals the connection between national human values and nature. Most importantly, in his works he introduced the root of the emergency of unnatural traits in the human nature. This article is an example of Shukur Kholmirezayev's "Uzbeks character".

Key words: phonetics national heroes, artistic, writer's skill, the role of word art, romantic painting, historical fact, artistic medium, character creation skill of writer.

Халқимизнинг маънавий эhtiёжларини қондириш, ёш авлодни юксак умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда санъатнинг, жумладан, адабиётнинг аҳамияти ва ўрни салмоқлидир. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти юртимиз фуқароларининг маданий савиясини юксалтириш ва жамиятни баркамол шахслар билан бойитишда катта роль ўйнаётганлигига шак-шубҳа йўқ.

Ҳозирги ўзбек адабиётининг етакчи вакилларида бири - Шукур Холмирзаев ижоди шу нуқтаи назардан алоҳида диққатга лойиқ. Сабаби, адиб ўз ижодида миллий қаҳрамонларни кенг, эпик кўламда, бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан акс эттириб бера олган ижодкордир.

XX аср ўзбек адабиётини замон ўлчовида шартли равишда уч тарихий босқичга ажратадиган бўлсак, Шукур Холмирзаев унинг сўнгги босқичида сўз санъатимизни янги савияга кўтаришга салмоқли ҳисса қўшган забардаст адибларимиздан бири эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шукур Холмирзаев адабиёт майдонига кириб келганидан бошлаб ўндан ортиқ ҳикоялар тўплами, тўрт қисса, бешта роман, иккита драма, бир қатор эсселар ва публицистик мақолалар ёзди. Унинг ҳар бир асари, айниқса, ҳикоялари адабиётда бир тўлқин сифатида майдонга келди, десак янглишмаймиз. Бунинг сабаби эса асарларининг ўзига хослигида, табиий романтик бўёқдорлигида, тарихий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ сувратлантиришида, қолаверса, воқеликни рамзлар орқали қайта инкишоф килинишидадир. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг самимияти ва тийнати, миллий, индивидуал хусусиятлар билан йўғрилганлиги ҳам асарларнинг муваффақиятини таъминлаган. У ўзининг барча асарларида инсон маънавияти билан алоқадор ижтимоий ва ахлоқий масалаларни бутунликда ифодалайди. Уни миллий қадриятлар ва она табиат билан боғлиқликда очиб беради. Энг муҳими, инсон табиатидаги эзуликка зид хусусиятларнинг юзага келишининг туб замири тузумнинг ўзи, у жорий қилган муҳит, деган фикрни асарлари орқали илгари сурди.

XX асрнинг 60-йилларидан ўзбек ҳикоячилигида катта ўзгаришлар содир бўлди. Маънавият муаммоларига эътибор кучайди. Ҳикояда лирик руҳ чуқурлашди. Замондошимиз табиатидаги зиддиятларни тасвирлашга аҳамият ортиди. Ҳикоячиликка Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, У.Назаров каби моҳир ёзувчилар кириб келди.

Ҳикоячиликда Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор анъаналарини янги босқичга кўтаришда Шукур Холмирзаевнинг ўзига хос ўрни бор. Масалан, адиб ўзбек ҳикоячилигида Абдулла Қодирийнинг табиатни жонлатириб тасвирлаш анъаналарини ривожлантирди. "Жинлар базми" ҳикоясидаги табиатнинг ёввойи

табиийлиги ва сирлилиги, шу табиийлик ва сирлиликдаги гўзалликнинг инсон қалбига ваҳима солиш даражасидаги маҳобати Шукур Холмирзаевнинг “Зов остида адашув” каби ҳикояларида янги босқичга кўтарилди.[3.498-499.]

Шукур Холмирзаев бадиий тилда замон ва макон колорити (руҳи)ни яратиш, характери ни руҳий дунёдаги замзамалар орқали кўрсатиш, қаҳрамонлардаги чапанинамо соддалик ва шартакилик, “пўрим” қоидаларига ситмаслик, жамиятга дадил танқидий муносабатда бўла олиш сингари масалаларда Абдулла Қодирий анъаналарини давом эттирган ва янги шароитларда юксалтираётган адибларнинг пешқадамидир.

Шукур Холмирзаев Абдулла Қаҳҳордан сўз тежаш, деталларга катта маънолар юклаш, қаҳрамон руҳиятида кечаётган зиддият, тўқнашувларни содда ва ҳаётий қилиб, ихчам тасвирлаш, диалоглардан жонли манзара яратиш сирларини ўрганди. Бироқ бу таъсирни фақат ташқи кўринишдан изламаслик керак. Бу таъсирни қаҳрамонлар руҳий дунёсини акс эттиришдаги бадиий принциплар муштараклигидан изламоқ керак.

Шукур Холмирзаев ҳикояларида, умуман, Сурхон воҳасининг бетакрор манзаралари, табиати, бу тоғлар қадар кўкси ва ғурури баланд, табиат билан яқдил, танти, баъзан ғадир, лекин бағрикенг кишилар билан учрашамиз.

Шукур Холмирзаевнинг аксар ҳикоялари маънавий муаммоларнинг бадиий таҳлилига бағишланади.

Адибнинг бадиий маҳорати ҳақида фикр юритмоқчи бўлсак, албатта, унинг ҳикояларига мурожаат этган маъқул. Унинг “Табассум”, “Ўзбек характери” каби ҳикоялари ҳам бадиий жиҳатдан юксак даражада ёзилган асарларидан саналади.

Унинг “Ўзбек характери” (1988) ҳикоясини олиб кўрадиган бўлсак, ҳикояда оддий, содда ўзбекнинг ишонувчанлиги, меҳнатсеварлиги, одамийлиги, унинг яшаш шароити ва бошқа жиҳатлари ҳар бир ўзбекка ўз маскани ҳамда уйини эслатади.

Ҳикоя 1988 йилда босилиб чиққан бўлиб, асарда адиб ўзбек халқининг нақадар меҳмондўстлигини кўрсатиб берган. Ҳар қандай бадиий асардан ҳаёт ҳиди келиб туриши заруратдир. У ҳаётга яқин бўлмаса, беиз ўтиб кетаверади. Бадиий тўқима ҳам асарда ўз ўрнида қўлланиши керак. Бу ҳикояда ҳаёт ҳақиқати тўла тажассумини топган.

Шукур Холмирзаев ҳикояда қишлоқ ҳаётини куз фаслида пахта теримига ҳашарга борган Эргаш нуқтаи назари орқали ёритади. Ҳикояда ҳашарчиларнинг ночор яшаш шароитини, айрим ёрдамчилар орасидаги инсонийликка зид муносабатларни ифодаловчи манзаралар бор. Бу ҳолатни Ботир чўпоннинг кўзисини талабалар Ўрмонжон, Азимжонлар томонидан ўғирланиши мисолида кўришимиз мумкин.

Бу лавҳалар ўқувчиларга қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган муҳитни кўрсатиш воситаси холос. Ёзувчининг асосий мақсади оддий чўпон оиласига муносабати орқали ўзбекларнинг ўзига хос характери ни кўрсатиб беришдир.

Қуш тинади-ю, Ботир чўпон ва унинг хотини тинмайди. Бу ҳолатни асарнинг бош қаҳрамони Эргашнинг тилидан баён қилинган тасвирда ҳам кўриш мумкин: “. аёл тонг отмасдан уйғонади, сигир соғади, эрини кузатади, кейин ўрмак тўқийди.

Кун кўтарилаверганда, ариқнинг у бетигаги пахтазорга тушади, кечгача бир қопни тикка қилиб қўяди. Кечаси алламаҳалгача уларнинг кулбасидан ёлғиз деразадан ариқ бўйига нур тушиб турарди”[4. 30]

Ботир чўпон ва унинг хотини меҳнатга, 3-4 киши зўрға сиғадиган бостирмадек уйда яшашга кўникишган. Улар бундан ўзгача яшашни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Камтарона кун кечиришларига қарамай, ҳашарчиларнинг кўнглини олишни, топган-тутганларини қўйиб меҳмон қилишни табиий эҳтиёж, одатий бурч деб биладилар.

Довул бўлиб, Ботир чўпоннинг қўй-эчкилари кўрадан қочиб кетганида ҳашарчилар ёрдам бериб уларни тўплашишади, лекин давлатга тегишли бир қўзи топилмайди. Шунда Ботир чўпон ҳашарчиларга шундай дейди:

“- Уни ўзим топаман. Сизлар дам олинглар энди. Топсам, ўзимнинг қўйимдан биттасини сўйиб берман сизларга”. [4. 30.]

Лекин қўзи топилмайди. Ҳашарчи йигитлар- Ўрмонжон, Азимжон ва уларнинг шериклари қўзини ўғирлаб, еб тугатадилар. Улар озиқ-овқатдан қийналганларидан, сиқилганларидан шундай қиладилар. Гўё оч қолишларига Ботир чўпон айбдордек, чўпоннинг дастурхонида бир неча бор меҳмон бўлишларига қарамай, давлатга тегишли қўзини ўғирлайдилар. Мана шу лавҳадан Ботир чўпоннинг мард, ўзганинг ҳақидан кўрқадиган инсон эканлигини кўрамиз. Биргина давлатга қарашли қўзи учун каттагина бир қўйини қурбон қилишдан қайтмайди. Чўпон қўзисини қанча қидирмасин тополмайди. Шундай бўлса ҳам, ҳашарчи талабаларни пахта терими тугаб, уйларига қайтишларидан бир кун олдин уйига таклиф қилади ва ваъда қилгани каттагина қўйини сўйиб, меҳмон қилади.

“Шу лабз экан, укалар. тилга олиб қўйиб эдик. Битта қон чиқарамиз деб. Шунга қадам ранжида қилсангизлар. Мана опаларингиз ҳам илтимос қияпти,- деди”. [4. 32.]

Чўпоннинг ана шундай самимий таклифидан кейин талабалар унинг уйда сўнги бор меҳмон бўладилар. Андишасизлик қилиб, чўпоннинг ўзига тегишли бўлмаган қўзини ўғирлаб еганларидан пушаймон бўладилар. Дастлаб ўғирлик қилган Ўрмонжоннинг “Ботир ҳам бир қўзидан айрилса, очдан ўладиган кимса эмас!”- деганидан Эргаш уялиб, изтироб чеккан бўлса, кейинчалик унинг самимийлигидан лол қолган йигитлар ҳам ўз ишларидан қаттиқ афсусланадилар.

“- Биз аблаҳмиз!- деди Азимжон инграб,- Кўра била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади. Нима дединг, Ўрмонжон?

-Биз анча бузилганмиз,- деб пўнғиллади Ўрмон ака.- Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қилади-да кишини”. [4. 32.]

Ботир чўпон ва унинг хотини образи орқали ёзувчи ўзбекларнинг ўзига хос характери ни ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бунга эришади ҳам. Асарда ҳаётини воқеа кенг ёритиб берилган. Адибнинг бошқа бир қатор асарларида ҳам ўзбекларнинг ўзига хос характери тасвирини кўришимиз мумкин. Бунга “Нотаниш одам”, “Ўзбекнинг соддаси”, “Подачи” “Қария” каби ҳикоялари мисол бўла олади.

Шукур Холмирзаев эл ҳаётини яхши билиши, уни ҳаққоний акс эттириб бериши билан халқ орасида ўзига хос ўрин тутади. Бу эса унинг чин истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади.

Шукур Холмирзаев ўз асарларида турли-туман бадиий-тасвирий воситалардан унумли фойдаланди.

Биз учун янгилик бўлиб кўринган ана шундай воситалардан бири ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бу бадиий-тасвирий воситани шартли равишда “яхши ниятнинг ёмон натижалари” деб атадик.

Ҳозиргина кўриб ўтганимиз “Ўзбек характери” ҳикоясида ҳам ўша бадиий-тасвирий восита мавжуд.

Ҳикоя Эргаш исми талаба назари ва баҳоси билан баён этилади. Эргаш Ботир чўпоннинг камбағаллигини, тор уйда яшашини кўриб, уларга ачинади. Уларнинг дастурхонидан овқат ейишга тортинади. Шунинг учун Ботир чўпоннинг уйига кам боради. Гўё шу йўл билан унга ёрдам бергандек бўлади. Эргаш бу ишлари билан Ботир чўпоннинг оиласини ҳаммадан кўпроқ ҳурмат қилгандек бўлади. Лекин бундай бўлиб чиқмайди.

Хайрлашув пайтидаги манзара Эргашнинг ҳаётга қарашини чил-парчин қилиб ташлайди.

“У киши ҳамма билан қўл бериб хайрлашди-ю, менга қолганда бурилиб кетди. Шунда аёли ҳам хўшлаша бошлади. Қадоқ қўлларининг учини бериб хўшлаша-хўшлаша менга етганда, уям бурилиб кетди.

Мен титраб-қақшаб уларнинг олдига бордим.

- Ботир ака, опа... мен сизларни яхши кўраман,- дедим.- Хафа бўлмангизлар.

- Йўқ, сиз бизни яхши кўрмайсиз,- деди хотини.- Бошида ёмон кўриб эдингиз.

Рост, ука. Писанд қилмадингиз бизни,- деди чўпон ҳам. Анави йигитлар бошқача...” [4. 32-33.]

- Бу Эргашнинг яхши ниятда қилган хатти-ҳаракатларининг ёмон натижага олиб келганига бир мисол.

Умуман олганда, Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларида ҳам, бошқа йирик жанрларда яратилган асарларида ҳам турли-туман бадиий-тасвирий воситалар ўз ўрнида ва жуда муваффақиятли қўлланилганининг гувоҳи бўламиз. Бу эса Шукур Холмирзаев асарларининг бадиий жиҳатдан юксак бўлишини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

References:

1. Karimov N. Hozirgi o'zbek nasrida hayot haqiqati va inson konsepsiyasi (70-80-yillar): Filol.fanlari d-ri... diss.- Toshkent, 1994.-320 b.
2. Karimov SH. SHukur Holmirzaev. Ijodiy portreti.- Toshkent: Qatortol-Kamolot, 1999.-80 b.
3. Karimov N. va boshqalar. XX asr o'zbek adabiyoti tarixi.- Toshkent: O'qituvchi, 199.-544 b.
4. Holmirzaev SH. O'zbek xarakteri // SHarq yulduzi.- 1988.- № 11.-B. -30-34.